

**2020 йил 28 августда “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ташкил
этилган онлайн видеоконференциянинг**

ПРЕСС-РЕЛИЗИ

Маълумки, бутун дунёни коронавирус пандемияси қамраб олган бир шароитда “Эл-юрт умиди” жамғармаси хорижий давлатларда истиқомат қилаётган ватандошлар билан видеомулоқотлар, масофадан турли мавзуларда видеоконференциялар ўтказиб, дунё мамлакатлари ва Ўзбекистонда бўлаётган воқеалар кенг таҳлил қилиниб келмоқда.

“Эл-юрт умиди” жамғарманинг навбатдаги онлайн видеоконференцияси 2020 йил 28 август куни Республика олий таълим кенгаши билан биргаликда Жамғарма қошида хориждаги ватандошлар иштирокида ташкил этилган Халқаро экспертлар кенгаши томонидан **“Олий таълим тизимида онлайн курслар ва масофавий таълим”** мавзусида ташкил этилди.

Мазкур онлайн видеоконференция қимматли илмий амалий тажрибага эга АҚШдаги ватандошларимизнинг **“ЗиёТек”** компанияси **раҳбарлари Маъмуржон Азимов ва Зафарбек Рустамовлар** томонидан ZOOM конференц алоқа тизими орқали ташкил этилди. Шунингдек, таъкидлаш жоизки, видеоконференцияни юқори савияда ташкил этиш ва уни мақсадга мувофиқ руҳда ўтказишга **“ЗиёТек”** компанияси ўрни бекиёс.

Тадбирда **АҚШ, Канада, Австралия, Бельгия, Германия ва Жанубий Кореяда фаолият юритаётган жами 20 нафар ватандош олим** экспертлар иштирок этди. Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий таълим муассасалари ректорлари, проректорлари, факультет деканлари, кафедра мудирлари ва профессор-ўқитувчилари, **жами 1000 га яқин** иштирокчилар масофадан ZOOM конференц алоқа тизими орқали уланиб қатнашдилар.

Мазкур видеоконференцияда Жамғарма Халқаро экспертлар кенгаши аъзолари, хорижда истиқомат қилаётган ватандош экспертлардан **Россия Федерациясининг Корпоратив университети Мухандислик экспертизасини ривожлантириш маркази** эксперти **Одилбек Каттаев** ҳамда Буюк Британиянинг **Hult International Business School** профессор-ассистенти **Ҳамид Иргашевлар** ўз тақдимотлари билан иштирок этишди.

Тақдимотларда олий таълим тизимида онлайн ва масофавий таълимни ташкил этиш, оммавий очик онлайн курсларнинг аҳамияти, онлайн платформалар ва масофавий таълимни жорий этишнинг хорижий давлатлар тажрибаси каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Видеоконференция тақдими икки қисмдан иборат бўлди, уларда “Оммавий очик онлайн курслар: Coursera ва бошқа онлайн платформалар” ҳамда “Масофавий таълимни жорий этишнинг долзарб масалалари: Буюк Британия университетлари мисолида” каби мавзулари юзасидан тақдимотлар бўлиб ўтди. Ушбу ZOOM алоқа тизими орқали ташкил этилган видеоконференцияда иштирокчилар берилган саволларга Жамғарма раҳбар ва Халқаро экспертлари томонидан тегишли жавоблар қайтарилди.

Маълумот учун:

“Эл-юрт умиди” жамғармаси мутахассисларни хорижда тайёрлаш билан бирга, хорижий давлатларда истиқомат қилаётган катта илмий ва амалий тажрибага эга ватандошлар билан мулоқотлар ўрнатиш унинг яна бир асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Мамлакатимизда хорижий давлатларда истиқомат қилаётган ватандошлар билан мулоқот қилиш, ватандошларни Ўзбекистон Республикасидаги кенг қамровли ислохотларга жалб этиш, хорижий давлатларда Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини, имиджини ошириш ва мустақамлашга амалий ёрдам бериш мақсадида “Эл юрт умиди” жамғармаси томонидан бир қатор амалий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Жорий йилда дунёнинг ривожланган АҚШ, Канада, Бельгия, Австралия, Германия, Жанубий Корея давлатларида истиқомат қилаётган, катта илмий ва амалий тажрибага эга 20 нафар ватандошлар билан “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳузурида Халқаро экспертлар кенгашининг таъсис видеоконференциясини ўтказган эди.

Халқаро экспертлар Кенгашнинг асосий мақсади – мамлакатимиз олий таълим тизимини ривожлантиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни олий таълим муассасалари амалиётида кенг қўллаш механизмларини ишлаб чиқиш, олий таълимга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг экспертизасини ўтказиш асосида олий таълим сифатини оширишга қўмаклашишдан иборат.

Жумладан, “Эл-юрт умиди” жамғармаси қошида ташкил этилган Халқаро экспертлар кенгаши **жорий йил 10 га яқин** видеоконференциялар ўтказди. Мазкур Видеоконференцияларда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, молиявий ўз-ўзини бошқаришга ўтган ОТМ фаолиятини ташкил этиш ва хорижий давлатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш, шунингдек, олий таълим муассасаларида “Кредит-модуль” тизимини жорий этиш масалалари, тегишли йўналишлар кесимида ўқув режалари, фанлар ва уларга ажратилган соатлар, талабалар учун ҳафталик ўқув юкламаси, семестрга ажратилган фанлар ва унинг соатлари, ўқув йилига режалаштирилган умумий соатлар ҳажми каби масалалар муҳокама этилди ҳамда ватандош-экспертларнинг мазкур масалалардаги таклиф ва тавсиялари юзасидан очиқ ва самимий руҳда видеомулоқотлар бўлиб ўтган эди.

2020 йилнинг 28 августида “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ташкил этилаётган онлайн амалий-услубий семинар янги ўқув йилини онлайн тарзда бошлаётган республикаимиз олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчилари учун анча самарали тадбир бўлди деган умиддамиз.

Жамғарма Матбуот хизмати